ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АБДУВАХОБОВ ДИЛШОД АБДУВАХИДОВИЧ

ДАЛА РЕЛЬЕФИГА МОСЛАНУВЧАН ТИШЛИ БОРОНА ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

УЎК. 631.313.2

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical science

Абдувахобов Дилшод Абдувахидович
Дала рельефига мосланувчан тишли борона ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш.....…….. 3

Абдувахобов Дилшод Абдувахидович
Разработка и обоснование параметров зубовой бороны, копирующей рельеф поля……. 19

Abduvaxobov Dilshod Abduvaxidovich
Development and substantiation of tooth harrow parameters of the field relief copying……... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 39

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АБДУВАХОБОВ ДИЛШОД АБДУВАХИДОВИЧ

ДАЛА РЕЛЬЕФИГА МОСЛАНУВЧАН ТИШЛИ БОРОНА ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/T286 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tiiame.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Тўхтақўзиев Абдусалим** техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Эргашев Исмоил Ташкентович** техника фанлари доктори, профессор
	Дусқулов Абдусаттор Ахадович техника фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**«BMKB-Agromash» АЖ**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.10.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «17» август соат 10^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси 39-уй. Тел: (+998971) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (35 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiiame.uz

Диссертация автореферати 2018 йил «02» август куни тарқатилди.
(2018 йил 20 июндаги №7 рақамли реестр баённомаси).

Б.С. Мирзаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

Б.М. Худаяров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., доцент

А.А. Ахметов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинларининг уруғларини экишдан олдин тупроққа ишлов берадиган энергия-ресурстежамкор ва иш унуми юқори бўлган агрегатларни ишлаб чиқиш ва қўллаш етакчи ўринни эгаллайди. «Ҳозирда дунё бўйича экишдан олдин тупроққа ишлов бериладиган майдон 1,6 млрд. гектарни ташкил этиши»[1], ҳисобга олинса, ерларга экиш олдидан ишлов беришда қўлланиладиган энергия-ресурстежамкор ҳамда иш сифати ва унуми юқори бўлган агрегатларни яратиш ва ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан тупроққа саёз ишлов беришда қўлланиладиган техника воситаларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинларининг уруғларини экишдан олдин далаларни экишга тайёрлашнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг янги илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан дала рельефига мосланувчан тишли борона ишлаб чиқиш ва технологик иш жараёнини асослаш, уни тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнида ресурстежамкорликни таъминлаш бўйича мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга энергия-ресурстежамкор ҳамда иш сифати ва унуми юқори бўлган агрегатларни яратиш зарур ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, жумладан далаларни экишга тайёрлашда кам энергия сарфлаб, барча технологик жараёнларни сифатли бажарилишини таъминлайдиган техника воситаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш»[2] вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда, жумладан, далаларга уруғ экиш олдидан тупроққа сифатли ишлов берадиган машиналарни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳисобига қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш ва уларнинг таннархини пасайтириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

---

[1] www.fao.orgdocrep018i1688ri1688r03.pdf

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2694-сон «2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё амалиётида далаларга уруғ экиш олдидан ишлов бериш самарадорлигини ошириш учун турли ишчи қисмлар ва машиналар ишлаб чиқилган. Улар конструкторлик ташкилотларига янги машиналарни яратиш учун тавсия этилган.

Дала юзасига ишлов берадиган тишли бороналарни яратиш, уларнинг технологик иш жараёнлари ва параметрларини асослаш ҳамда такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар J.K.Kouwenhoven, R.Terpstra (АҚШ), U.Yegül, M.B.Eminoğlu, O.Orel, A.Çolak (Туркия), L.Z.Jia, J.H.Zhang, Z.H.Zhang, Y.Wang. (Хитой), Д.Д.Прокопенко (Украина), Э.Искендерев, Х.Джалал, В.В.Сурин, П.Е.Никифоров, Ю.К.Киртбая, А.И.Спивак, В.В.Труфанов (Россия Федерацияси), Х.А.Хачатрян (Арманистон Республикаси), В.В.Удовеня, Ф.И.Новиков, А.Ф.Крюков, Г.И.Евтух, А.А.Лептеев (Белорус Республикаси), В.П.Кондратюк, Р.И.Байметов, А.Тўхтақўзиев, И.К.Қодиров, С.Наркулов, Р.Б.Сафаров (Ўзбекистон) ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Бу тадқиқотлар натижасида яратилган тупроққа экиш олдидан ишлов берадиган тишли бороналар ва агрегатлар қишлоқ хўжалигида қўлланилмоқда ва бу йўналишда маълум даражада ижобий натижаларга эришилинган.

Таъкидланган тадқиқотларда дала юзасига уруғ экиш олдидан тупроққа ишлов бериш технологиялари ва техника воситалари ҳамда уларнинг ишчи қисмларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Аммо уларда дала рельефига мосланувчан тишли борона ишлаб чиқиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси ва олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти ҳамда Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-15-080 «Такомиллашган шарнирли тишли борона конструкциясини яратиш ва уни иккиламчи қора металлдан тайёрлаш

технологиясини ишлаб чиқиш» (2009-2011), ИОТ-2013-05-5 «Маҳаллий хом-ашёдан янги конструкциядаги шарнирли-тишли боронани ишлаб чиқаришга тайёрлаш» (2013-2014) ва ҚХА-3-001-2015 «Мавжуд чизел-култиваторларни иш кўрсаткичларини ошириш ва энергияҳажмдорлигини камайтириш йўналишларида такомиллаштириш асосида юқори қувватли тракторларга кенг қамровли чизел-култиватор ишлаб чиқишнинг илмий-техник ечимлари» (2015-2017) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дала юзасида майин тупроқ қатламини ҳосил қилиш ва бегона ўтларни тўлиқ йўқотилишини таъминлаш ҳамда иш унумини ошириш ва энергия ҳажмдорликни камайтириш учун дала рельефига мосланувчан тишли борона ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дала рельефига мосланувчан тишли боронанинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш;

дала рельефига мосланувчан тишли боронанинг тупроқни майин ва бир текис чуқурликка юмшатилиши ҳамда бегона ўтлар йўқотилишини таъминлайдиган параметрларини асослаш;

дала рельефига мосланувчан тишли борона ишчи звеносининг тик ва бурчак тебранишларини унинг иш кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

ишлаб чиқилган дала рельефига мосланувчан тишли борона дала синовлари натижаларининг агротехника талабларига мослигини баҳолаш;

дала рельефига мосланувчан тишли боронанинг энергетик кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тупроқнинг физик-механик хоссалари, дала рельефига мосланувчан тишли борона ва унинг технологик иш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети дала рельефига мосланувчан тишли борона иш кўрсаткичларини унинг параметрлари ва ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, деҳқончилик механикаси, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда (ГОСТ 20915-11, TSt 63.03.2001, TSt 63.04.2001 ва РД Уз 63.03-98) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дала рельефига мосланувчан ва ишчи звенолари ўзаро тебранадиган тишли боронанинг конструктив схемаси ишлаб чиқилган;

тишли боронанинг тупроқни юмшатиш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракатини, тортишга қаршилиги ҳамда ишчи звеноларининг тик ва бурчак тебранишларини ифодаловчи аналитик боғланишлар асосида унинг мақбул параметрлари аниқланган;

дала рельефига мосланувчан тишли борона агротехник ва энергетик кўрсаткичларини унинг параметрлари ва агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгаришини ифодаловчи боғланишлар асосида уларнинг мақбул қийматлари аниқланган;

дала нотекисликларига мосланувчан юқори манёврли тишли борона конструкцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тупроққа экиш олдидан ишлов беришда тортишга қаршилиги кам бўлган ҳолда ишчи звенолари дала рельефига тўлиқ мослашадиган ва тебранма ҳаракатланадиган осма тишли борона ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган дала рельефига мосланувчан тишли борона параметрларининг мақбул қийматларида ерларни экишга тайёрлашда энергия ва ресурс сарфларини камайиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларини ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва ўлчаш воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, дала рельефига мосланувчан тишли боронанинг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика, назарий механиканинг асосий қонун ва қоидаларига асосланганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика усуллари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган борона дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ерларга уруғ экиш олдидан кам энергия сарфлаб сифатли ишлов берадиган дала рельефига мосланувчан тишли боронанинг технологик иш жараёни ва конструктив схемаси ишлаб чиқилганлиги ва параметрлари асосланганлиги, боронанинг сифат ва энергетик кўрсаткичларини унинг параметрлари ва ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган дала рельефига мосланувчан тишли борона қўлланилганда тупроққа агротехника талаблари даражасида сифатли ишлов берилиши, ёнилғи-мойлаш материаллари, меҳнат сарфи ва фойдаланиш харажатларини камайтириш ва иш унумини оширишга эришилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини экишдан олдин тупроққа ишлов берадиган, дала рельефига мосланувчан тишли борона ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

дала рельефига мосланувчан тишли боронага Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг иккита фойдали моделга патентлари олинган («Борона», №FAP 00909-2014 й.; «Тишли борона», №FAP 01174-2017 й). Натижада дала рельефига мослаша оладиган ва ишчи звенолари тебранадиган тишли боронанинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини экишдан олдин тупроқни юмшатиш, бегона ўтларни йўқотиш технологик жараёнлари бажарилишининг сифат кўрсаткичларини баҳолашга дастлабки талаблар ва тишли борона конструкциясини лойиҳалашга техник топшириқ ишлаб чиқилган

(Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 28 мартдаги 02/23-180-сон маълумотномаси). Натижада майин тупроқ қатламини ҳосил қилиш, ундаги намни сақланишини таъминлаш ва униб чиқаётган бегона ўтларни бартараф этиш имкони яратилган;

далаларга экишдан олдин тупроққа ишлов бериш учун ишлаб чиқилган дала рельефига мосланувчан тишли боронанинг саноат нусхаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификациялаш ва синаш Давлат марказида синовлардан ўтган ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги фермер хўжаликларида, жумладан, Поп ва Мингбулоқ туманлари фермер хўжаликларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 28 мартдаги 02/23-180-сон маълумотномаси). Натижада ерларни бороналашда ёнилғи сарфи 1,36-1,38 мартага ва фойдаланишдаги харажатлар 21,0-23,0 фоизга камайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан, 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Ишланма III ва IV Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар кўргазмаларида намойиш этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2 та фойдали моделга патентлари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Республикамиз шароитида тупроққа саёз ишлов бериш технологиялари ва техника воситаларининг таҳлили»** деб номланган биринчи бобида Республикамиз шароитида ерларни чигит ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экиш учун тайёрлашда бороналашнинг аҳамияти ва уни амалга оширадиган техника воситалари, бороналашга қўйиладиган агротехника талаблари, улар бўйича олиб

борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган ҳамда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Ўтказилган таҳлилларни кўрсатишича ерларга эрта баҳор ва экиш олдидан ишлов беришда фойдаланиладиган тишли бороналарнинг тишлари рамага қаттиқ (қўзғалмас) маҳкамланганлиги туфайли улар дала (шудгор) юзасидаги нотекисликларга етарли даражада мослаша олмайди ва натижада дала юзаси тўлиқ юмшатилмайди ва бегона ўтлар тўлиқ йўқотилмайди. Бунга йўл қўймаслик учун хўжаликларда бороналар изма-из икки қатор ўрнатилиб ишлатилади. Лекин бу бороналаш агрегатининг ўлчамлари ва энергия-ҳажмдорлигини кескин ошиши ҳамда манёврчанлигини ва иш унумини пасайиб кетишига олиб келади. Олиб борилган изланишларимиз, адабиётлар ва патент-информацион материалларнинг таҳлили мавжуд тишли бороналарнинг таъкидланган камчиликлари дала рельефига мосланувчан тишли борона ишлаб чиқиш йўли билан бартараф этилиши мумкин эканлигини кўрсатди.

Диссертациянинг **«Дала рельефига мосланувчан тишли боронанинг параметрларини назарий асослаш»** деб номланган иккинчи бобида дала рельефига мосланувчан тишли борона ишлаб чиқиш, параметрлари ва тортишга қаршилигини аниқлаш ҳамда ишлов бериш чуқурлигининг барқарорлигини тадқиқ этиш бўйича ўтказилган назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили ва олиб борилган изланишлар асосида Ўзбекистон Республикасининг № FAP 00909 ва № FAP 01174 рақамли фойдали моделларга патентлари билан ҳимояланган дала рельефига мосланувчан тишли боронанинг конструктив схемаси (1-расм) ишлаб чиқилди.

Дала рельефига мосланувчан тишли борона тракторга осиш қурилмаси билан жиҳозланган рама, ишчи звенолар, уларни ўзаро боғлаб турувчи ҳалқалар ҳамда ишчи звеноларни рамага боғлаб турувчи тортқилардан иборат. Бунда ишчи звено асос ва тишлардан иборат этиб тайёрланган. Асосда учтадан тешик очилган бўлиб, улардан ёндош звеноларни боғловчи ҳалқалар ўтади ва звенолараро қўзғалувчан боғланиш ҳосил бўлади.

Қуйидагилар ишлаб чиқилган боронанинг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи асосий параметрлари ҳисобланади (1 ва 2-расмлар): 2β – тишнинг ўткирланиш бурчаги, градус; s – тишнинг қалинлиги, м; l_T – тишнинг узунлиги, м; l_0 – тиш пастки ўткирланган учининг узунлиги, м; a – борона тишлари изларининг кенглиги, м; q – ҳар бир тишга тўғри келадиган тик юкланиш, Н; a_T – ишчи звенонинг тишлари орасидаги кўндаланг масофа, м; $l_з$ – ишчи звенонинг тишлари орасидаги бўйлама масофа, м; $a_з$ – ишчи звеноларнинг тортқилари орасидаги кўндаланг масофа, м; d – ишчи звеноларни ўзаро боғлайдиган ҳалқанинг диаметри, м.

Борона тишларининг ўткирланиш бурчаги уларнинг ишчи сиртларига тупроқ ёпишиб қолмаслиги шартидан, тишнинг қалинлиги ишлов берилган қатлам тубида деворлари зичланган эгат ҳосил бўлмаслиги шартидан, тишнинг узунлиги белгиланган ишлов бериш чуқурлигидан, тиш пастки



1 – рама;

2 – тишлар;

3 – ишчи звено;

4 – ҳалқа;

5 – тортқи.

1-расм. Дала рельефига мосланувчан тишли боронанинг конструктив схемаси

ўткирланган учининг узунлиги у белгиланган чуқурликка ботиши ва тупроқнинг сув-ҳаво режимини бузмаслик шартидан, тишлар изларининг кенглиги ишлов берилган қатлам тубида ҳосил бўладиган бўйлама нотекис-



2-расм. Дала рельефига мосланувчан тишли борона ишчи звеносининг асосий параметрлари

ликлар баландлиги рухсат этилган қийматдан катта бўлмаслиги шартидан, ҳар бир тишга тўғри келадиган тик юкланиш агротехника талаблари бўйича белгиланган ишлов бериш чуқурлиги ва унинг бир текислиги таъминланиши шартидан аниқланди. Бунда олинган натижалар дала рельефига мосланувчан тишли борона тишларининг ўткирланиш бурчаги 60-65° оралиғида, қалинлиги – камида 18 мм, узунлиги – 120-150 мм оралиғида, пастки ўткирланган учининг узунлиги 22-26 мм оралиғида, ҳар бир тишга тўғри келадиган тик юкланиш 15,9-17,5 Н оралиғида, тишлар изларининг кенглиги – кўпи билан 48 мм, борона ишчи звеносининг тишлари орасидаги кўндаланг масофа 93-96 мм оралиғида ва бўйлама масофа 162 мм ҳамда ишчи звеноларининг тортқилари орасидаги кўндаланг масофа 288 мм, ишчи звеноларни ўзаро боғлаб турувчи ҳалқанинг диаметри 80 мм бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Боронани ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракати ва демак тупроқни бир текис чуқурликка юмшатилиши асосан уни тупроққа ботирувчи кучнинг ўзгарувчанлигига боғлиқ. Ўз-ўзидан равшанки боронанинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракатини таъминлаш ва демак у томонидан тупроққа ишлов бериш (бороналаш) чуқурлиги бир текис бўлиши учун таъкидланган куч иш жараёнида мумкин қадар кам ўзгариши, энг мақбули эса у ўзгармаслиги лозим.

3-расмда боронага бўйлама-тик текисликда таъсир этувчи кучлар схемаси келтирилган. Ундан фойдаланиб боронани тупроққа ботирувчи куч $Q_б$ ни аниқлаймиз



3-расм. Бўйлама – тик текисликда боронага таъсир этувчи кучлар схемаси

$$Q_б = N = m_б g - R_y tg\alpha, \tag{1}$$

бунда N – тупроқ томонидан боронага таъсир этувчи тик реакция кучи, Н; $m_б$ – боронанинг массаси, кг; g – эркин тушиш тезланиши, м/с^2; R_y – боронанинг тортишга умумий қаршилик кучи, Н; α – боронанинг бўйлама-тик текисликдаги тортиш чизиғи πO ни, яъни P_{XZ} кучни горизонтга оғиш бурчаги, градус.

(1) ифода таҳлили шуни кўрсатадики, ишлаб чиқилган боронанинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракатини таъминлаш учун у тортиш чизиғининг горизонтга оғиш бурчаги мумкин қадар кичик ёки нолга тенг бўлиши лозим.

α бурчакни борона, унинг осиш қурилмаси ва трактор осиш механизмининг параметрлари ва ўлчамлари орқали ифодалаймиз:

$$\alpha = arctg\Bigg\{\Bigg\{H_2\left(H_3 - H_1 + h_T\right)\left[\sqrt{l_б^2 - \left(H_3 - H_1 + h_T\right)^2} - X_A\right] + \left(H_1 - 0{,}5h_T\right)\times$$

$$\times\left[\left(H_2 - Z_A\right)\sqrt{l_б^2 - \left(H_3 - H_1 + h_T\right)^2} - X_A\left(H_3 - H_1 + h_T\right)\right]\Bigg\}:$$

$$:\Bigg\{H_2\sqrt{l_б^2 - \left(H_3 - H_1 + h_T\right)^2}\left[\sqrt{l_б^2 - \left(H_3 - H_1 + h_T\right)^2} - X_A\right] +$$

$$+ L_T\left[\left(H_2 - Z_A\right)\sqrt{l_б^2 - \left(H_3 - H_1 + h_T\right)^2} - X_A\left(H_3 - H_1 + h_T\right)\right]\Bigg\}\Bigg\}, \tag{2}$$

бунда H_1 – борона таянч текислигидан у осиш қурилмасининг пастки осиш нуқталари $C(C_1)$ гача бўлган тик масофа, м; H_2 – борона осиш қурилмасининг пастки $C(C_1)$ ва юқориги B осиш нуқталари орасидаги тик масофа, м; H_3 – трактор таянч текислигидан у осиш механизми пастки бўйлама тортқиларининг қўзғалмас шарнирлари $D(D_1)$ гача бўлган тик масофа, м;

X_A, Z_A – мос равишда трактор осиш механизмининг қўзғалмас нуқталари A ва $D(D_1)$ орасидаги горизонтал ва тик масофалар, м; h_T – ишлов бериш чуқурлиги, м; $l_б$ – трактор осиш механизми пастки бўйлама тортқиларининг узунлиги, м; L_T – борона пастки осиш нуқталаридан унинг қаршилик маркази O гача бўлган бўйлама масофа, м.

(2) ифодадаги H_2, H_3, X_A, Z_A, $l_б$, ва L_T масофалар стандартлашганлиги ҳамда трактор ва борона конструкцияларидан маълум бўлганлиги, ишлов бериш чуқурлиги эса агротехника талабларига мос келиши лозимлиги сабабли боронани ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор юришини таъминловчи юқорида таъкидланган шарт, яъни борона тортиш чизиғини горизонтга оғиш бурчаги мумкин қадар кичик ёки нолга тенг бўлиш шарти асосан H_1 масофани ўзгартириш ҳисобига таъминланади.



4-расм. α бурчакни H_1 масофага боғлиқ равишда ўзгариш графиги

1,4 классдаги тракторлар учун H_2=61 см, H_3=52 см, X_A=20,4 см, Z_A=40,6 см, $l_б$=80 см ҳамда h_T=6 см, L_T=82 см қабул қилиниб, 4-расмда (2) ифода бўйича α бурчакни H_1 масофага боғлиқ равишда ўзгариш графиги қурилган. Ундан кўриниб турибдики, H_1 масофани 40 см дан 60 см гача ўзгариши α бурчакни сезиларли даражада камайишига олиб келган, 60 см дан 70 см гача ўзгариши эса катта таъсир кўрсатмаган. Ушбу таъкидланганлар ҳамда H_1 масофани ҳаддан ташқари ортиши боронанинг транспорт тирқиши етарли даражада бўлмаслигига олиб келишини ҳисобга олган ҳолда борона таянч текислигидан у осиш қурилмасининг пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофани 60 см гача қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Дала рельефига мосланувчан тишли боронанинг тортишга солиштирма, яъни унинг ҳар бир метр қамраш кенглигига тўғри келадиган қаршилигини аниқлаш учун ушбу ифода олинди

$$R_c = \frac{\left\{ fm_c ga + \left[\frac{s^2(4h_T - 3l_0)q_0 \cos\varphi}{16\sin\beta\cos(\beta+\varphi)} + \gamma h_T^2 V^2 \left(1 + \frac{W}{100}\right)\sin\beta tg\psi \right] \frac{\sin(\beta+\varphi)}{\cos\varphi} \right\}}{[a(1 + ftg\alpha)]}, \quad (3)$$

бунда m_c – боронанинг ҳар бир метр қамраш кенглигига тўғри келадиган массаси, кг/м; f – тупроқнинг ташқи ишқаланиш коэффициенти; q_0 – тупроқнинг ҳажмий эзилиш коэффициенти, Н/м^3; γ – тупроқнинг зичлиги, кг/м^3; ψ – тупроқнинг ёнбош синиш бурчаги, градус; φ – тупроқнинг

ташқи, ишқаланиш бурчаги, градус; W – тупроқнинг намлиги, %; V – боронанинг ҳаракат тезлиги, м/с.

f=0,5, m_c=94 кг, g=9,8 м/с^2, a=0,05 м, s=0,02 м, h_T=0,06 м, l_0=0,025 м, γ=1200 кг/м^3, β=30°, ψ=30°, q_0=5·10^6 Н/м^3 ва α=12° қабул қилиниб, (3) ифода бўйича тезлик V=2,0-2,5 м/с бўлганда ўтказилган ҳисоблар ишлаб чиқилган боронанинг ҳар бир метр қамраш кенглигига тўғри келадиган қаршилик 1,68-1,73 кН ни ташкил этишини кўрсатди.

Дала рельефига мосланувчан тишли борона ишчи звеносини келтирилган масса деб қараб ҳамда тупроқнинг қайишқоқ-диссипатив хусусиятларини инобатга олиб, унинг бўйлама-тик текисликдаги тик ва бурчак тебранишларини ифодаловчи қуйидаги тенгламалар олинди

$$Z = A\sin(\omega t + \delta) \qquad (4) \qquad \text{ва} \qquad \varphi_м = \varphi_0 \sin(\omega t + \gamma), \qquad (5)$$

бунда $A = \dfrac{X_{ст}}{\sqrt{\left(1-\dfrac{\omega^2}{p_0^2}\right)^2 + \left(\dfrac{2n\omega}{p_0^2}\right)^2}}$; $\delta = arctg\dfrac{2n\omega}{p_0^2-\omega}$; $X_{ст} = \dfrac{\Delta R_T}{C_T}$;

$p_0 = \sqrt{\dfrac{C_T}{m_з}}$; $n = \dfrac{b_T + b_x}{2m_з}$; $\varphi_0 = \dfrac{N}{\sqrt{\left(1-\dfrac{\omega^2}{p_y^2}\right)^2 + \left(\dfrac{2n_y\omega}{p_y^2}\right)^2}}$; $\gamma = arctg\dfrac{2n_y\omega}{p_y^2-\omega^2}$;

$N = \dfrac{\Delta R_T}{C_T l}$; $n_y = \dfrac{bl^2}{2J_0}$; $p_y^2 = \dfrac{C_T l^2}{J_0}$; $b = b_T + b_X$;

Z –ишчи звенонинг тик йўналишдаги кўчиши, м; A – ишчи звенонинг тебраниш амплитудаси, м; ω – тупроқ тик реакция кучининг ўзгариш частотаси, Гц; t – вақт, с; $\varphi_м$ – ишчи звенони мувозанат ҳолатдан оғиш бурчаги, градус; b_T –ишчи звенони тупроқ билан таъсирлашишидаги диссипация коэффициенти, $\dfrac{Н\cdot с}{м}$; b_x – ишчи звенони ҳалқа билан ишқаланишидаги диссипация коэффициенти, $\dfrac{Н\cdot с}{м}$; ΔR_T – тупроқ тик реакция кучининг амплитудаси, Н; C_T – тупроқнинг бикирлик коэффициенти, $\dfrac{Н}{м}$; $m_з$ – ишчи звенонинг массаси, кг; l – ишчи звенолараро ҳалқа узунлиги, м; J_0 – ишчи звенонинг инерция моменти, кг·м^2.

Олинган тенгламалар таҳлилидан кўриниб турибдики, борона ишчи звеносининг бурчак тебранишларига ΔR_T, $m_з$ ва C_T катта таъсир кўрсатади ва берилган иш шароити учун борона тишларининг талаб даражасидаги чуқурликка ботиб ишлаши ишчи звеноларнинг массаларини тўғри танлаш ҳисобига таъминланади.

Диссертациянинг «**Дала рельефига мосланувчан тишли борона параметрларини асослаш бўйича экспериментал тадқиқотларнинг**

натижалари» деб номланган учинчи бобида ишлаб чиқилган борона тишларининг узунлиги, ўткирланиш бурчаги, қалинлиги, тиш пастки ўткирланган учининг узунлиги, тишлар изларининг кенглиги, тишга бериладиган тик юкланиш, борона таянч текислигидан у осиш қурилмасининг пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофа ҳамда агрегат ҳаракат тезлигини унинг сифат ва энергетик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган бир ва кўп омилли тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Экспериментал тадқиқотларни ўтказишда дала рельефига мосланувчан тишли боронанинг лаборатория-дала қурилмаси, тишлар изларининг кенглигини ўзгартириш имконини берадиган ишчи звенолар ҳамда узунлиги, қалинлиги, пастки ўткирланган учининг узунликлари ва ўткирланиш бурчаги турлича бўлган тишлар тайёрланди.

Кўп омилли экспериментлар «Хартли-5» режаси бўйича ўтказилди.

Бунда дала рельефига мосланувчан тишли борона тишининг узунлиги (X_1), ўткирланиш бурчаги (X_2), қалинлиги (X_3), пастки ўткирланган қисми учининг узунлиги (X_4) ва агрегатнинг ҳаракат тезлиги (X_5) унинг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинди.

Баҳолаш мезонлари сифатида ишлов бериш чуқурлиги, тупроқнинг уваланиш даражаси, яъни ўлчами 25 мм кичик фракциялар миқдори ва қурилманинг тортишга қаршилиги қабул қилинди.

Тажриба натижаларига ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- ишлов бериш чуқурлиги бўйича (см)

$$Y_1=5,361+0,5X_1-0,202X_2-0,644X_3+0,646X_4-0,646X_5-$$
$$-0,364X_1^2+0,085X_1X_4+0,136X_2^2-$$
$$-0,027X_2X_3-0,031X_2X_5+0,186X_3^2-0,297X_4^2-0,297X_5^2; \quad (6)$$

- юмшатилган қатламдаги тупроқнинг уваланиш даражаси бўйича (%)

$$Y_2=88,86+0,81X_1-1,08X_2+1,976X_3+1,0319X_4+1,224X_5-2,823X_1^2-0,383X_1X_2-$$
$$-2,507X_2^2+0,537X_2X_3-0,283X_2X_4-1,24X_3^2+0,733X_3X_4+$$
$$+1,2X_3X_5+0,746X_4X_5-1,073X_5^2; \quad (7)$$

- дала рельефига мосланувчан тишли боронанинг тортишга қаршилиги бўйича (кН)

$$Y_3=0,803+0,212X_1+0,141X_2+0,126X_3+0,14X_4+0,266X_5-0,163X_1^2+0,046X_1X_2+$$
$$+0,046X_1X_3+0,15X_1X_4+0,13X_1X_5+0,087X_2^2-0,036X_2X_3+0,035X_2X_4+$$
$$+0,0000047X_2X_5+0,021X_3^2-0,026X_3X_4+0,015X_3X_5-0,041X_4^2+0,119X_5^2. \quad (8)$$

Олинган регрессия тенгламалари таҳлилидан кўриниб турибдики, барча омиллар баҳолаш мезонларига сезиларли таъсир кўрсатган.

Агротехника талаблари бўйича Y_1 мезон, яъни ишлов бериш чуқурлиги 4-6 см оралиғида бўлиши, Y_2 мезон, яъни тупроқнинг уваланиш даражаси 80 фоиздан кам бўлмаслиги, Y_3 мезон, яъни боронанинг тортишга қаршилиги минимал бўлиши лозим. Ушбу шартлардан келиб чиқиб (6)-(8) регрессия тенгламалари MS Excel ва Planex дастурлари бўйича биргаликда ечилди. Бунда олинган натижалар бўйича дала рельефига мосланувчан тишли борона 7-9 км/соат ҳаракат тезликларида ишлаганда кам энергия сарфлаган ҳолда тупроққа агротехника талаблари даражасида ишлов бериши учун унинг тишлари узунлиги 132-140 мм, ўткирланиш бурчаги 66-71°, қалинлиги 19-22 мм ва тиш ўткирланган учининг узунлиги 20-25 мм оралиғида бўлиши лозим.

Диссертациянинг «**Ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган дала рельефига мосланувчан тишли борона синовларининг натижалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари»** деб номланган тўртинчи бобида дала рельефига мосланувчан тишли боронанинг тажриба ва саноат нусхасининг қисқача техник тавсифи, дала синовлари натижалари ва унинг иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

Синовларда ишлаб чиқилган борона белгиланган технологик жараённи ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ мос келди.

Ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатадики, ерларни бороналашда дала рельефига мосланувчан тишли борона қўлланилганда 1 гектар майдонга сарфланадиган тўғридан-тўғри (эксплуатацион) харажатлар 22,4 фоизга камаяди. Бунда битта дала рельефига мосланувчан тишли боронага мавсумий иқтисодий самара 2019455,84 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

«Дала рельефига мосланувчан тишли борона ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Олиб борилган изланишлар ҳамда адабиётлар ва патент-информацион материаллар таҳлили дала юзасида майин қатлам ҳосил қиладиган ва бегона ўтларни тўлиқ йўқотилишини таъминлайдиган ҳамда иш унуми юқори ва энергияҳажмдорлиги кам бўлган дала рельефига мосланувчан тишли борона конструкциясини ишлаб чиқиш имконини яратди.

2. Агрегатнинг 7-9 км/соат ҳаракат тезлигида дала рельефига мосланувчан тишли борона тишларининг узунлиги 132-140 мм, ўткирланиш бурчаги 66-71°, қалинлиги 19-22 мм ва пастки ўткирланган учининг узунлиги 20-25 мм ҳамда тишлари изларининг кенглиги 50 мм гача, ҳар бир тишга тўғри келадиган тик юкланиш 15,0-17,5 Н, ишчи звеносининг тишлари орасидаги кўндаланг ва бўйлама масофалар мос равишда 93-96 мм оралиғида ва 162 мм ҳамда ишчи звеноларнинг тортқилари орасидаги кўндаланг масофа 288 мм, уларни ўзаро боғлаб турувчи ҳалқанинг диаметри 80 мм бўлиши кам энергия сарфлаган ҳолда тупроққа белгиланган агротехник талаблар бўйича

ишлов бериш имконини беради.

3. Дала рельефига мосланувчан тишли борона ишчи звеносининг тик ва бурчак тебранишлари унинг массаси, тупроқ томонидан унга таъсир этувчи реакция кучининг ўзгариш амплитудаси ҳамда тупроқнинг бикирлик коэффициентига боғлиқ бўлиб, берилган иш шароити ва ҳаракат тезлигида ишчи звенолар массасини тўғри танлаш тишларнинг белгиланган чуқурликка ботиб ишлашини таъминлайди.

4. Дала рельефига мосланувчан тишли борона таянч текислигидан осиш қурилмасининг пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофа 600 – 650 мм оралиғида бўлганда уни белгиланган ишлов бериш чуқурлигига ботиб ишлаши ва шу чуқурликда барқарор ҳаракатланишига эришилади.

5. Дала юзасида майин тупроқ қатламини ҳосил қилиш ва бегона ўтларни тўлиқ йўқотилишини таъминлаш учун асосланган параметрлар бўйича «Оҳангар ТТЗ» АЖ (Тўрақўрғон ш.) ва «MEXMASH» АЖ (Наманган ш.) лар томонидан дала рельефига мосланувчан тишли боронанинг тажриба ва саноат нусхалари тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техника ва технологияларини сертификациялаш ва синаш Давлат маркази томонидан синовлардан ўтказилиб, амалиётга жорий этилди.

6. Тадқиқотлар натижалари асосида ишлаб чиқилган дала рельефига мосланувчан тишли боронани қўллаш ерларни бороналашда ҳар бир гектар майдонга сарфланадиган тўғридан-тўғри (эксплуатацион) харажатларни 22,4 фоизга камайтириш ва бир мавсумда қарийб 2,1 млн. сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.T.10.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ МЕХАНИЗАЦИИ И ЭЛЕКТРИФИКАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

АБДУВАХОБОВ ДИЛШОД АБДУВАХИДОВИЧ

РАЗРАБОТКА И ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ ЗУБОВОЙ БОРОНЫ, КОПИРУЮЩЕЙ РЕЛЬЕФ ПОЛЯ

05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация сельскохозяйственных и мелиоративных работ

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.2.PhD/T286.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте механизации и электрификации сельского хозяйства при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу: www.tiiame.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Тухтакузиев Абдусалим** доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Эргашев Исмоил Ташкентович** доктор технических наук, профессор
	Дускулов Абдусаттор Ахадович кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	**АО «BMKB-Agromash»**

Защита диссертации состоится «17» августа 2018 г. в 10^{00} часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.10.01 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 35). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiiame.uz.

Автореферат диссертации разослан «02» августа 2018 года.
(Протокол рассылки № 7 от 20 июня 2018 года)

Б.С. Мирзаев
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., доцент

Б.М. Худаяров
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., доцент

А.А. Ахметов
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ведущее место занимает разработка и внедрение высокопроизводительных, энерго-ресурсосберигающих агрегатов для обработки почвы перед севом семян сельскохозяйственных культур. Если учесть, что «ежегодно в мире на 1,6 млрд. гектарах площади ведётся предпосевная обработка почвы»[1], особое значение имеет создание и разработка энерго-ресурсосберегающих агрегатов, а также агрегатов, имеющих высокое качество работы и производительность при предпосевной обработке почвы. Поэтому большое внимание уделяется усовершенствованию технических средств, применяемых при предпосевных обработках почвы.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических основ ресурсосберегающих технологий предпосевной подготовки полей и технических средств для их осуществления. В этом направлении, в том числе важное значение приобретает осуществление целевых научных исследований по разработке зубовой бороны, копирующей рельеф поля, обоснование технологического процесса работы, обеспечение ресурсосбережения в процессах взаимодействия ее с почвой. Вместе с тем, считается важным создание высококачественных и высокопроизводительных агрегатов.

В сельскохозяйственном производстве республики проводятся широкомасштабные мероприятия по снижению затрат труда и энергии, экономии ресурсов, возделыванию сельскохозяйственных культур на основе передовых технологий и разработке высокопроизводительных сельскохозяйственных машин, в том числе, особое внимание уделяется разработкам технических средств, обеспечивающих качественное выполнение всех технологических процессов при минимальных затратах энергии. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусматриваются задачи, в частности, «...модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства, дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»[2]. При выполнении этих задач, важным является получение высоких урожаев сельскохозяйственных культур и снижение их себестоимости за счет технической и технологической модернизации машин и орудий для предпосевной обработки почвы.

---

[1] www.fao.orgdocrep018i1688ri1688r03.pdf

[2] Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан» и Постановлениях ПП-2694 от 23 декабря 2016 года «О мерах дальнейшего реформирования и развития научно-технической базы сельского хозяйства в период 2016-2020 гг.», ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах дальнейшего развития научно-технической базы машиностроительной отрасли в сельском хозяйстве», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. В мировой практике разработаны различные рабочие органы и машины для повышения эффективности предпосевной обработки почвы. Они были рекомендованы конструкторским организациям для разработки новых машин.

